

Аллоҳдан кўра рашкчиरोқ бирор Зот йўқ | Сийрат дарслари (348-дарс)



19:00 / 03.10.2025 1176

758. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, Аллоҳ рашк қилади. Мўмин ҳам рашк қилади. Аллоҳнинг рашки мўминнинг Аллоҳ ҳаром қилган нарсасини қилишидан келади»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

759. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳдан кўра рашкчиरोқ бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ**

қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам, У зот Ўзини мадҳ қилган», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

760. Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Саъд ибн Убода: «Агар хотиним билан бегона эркакни кўрсам, уни қиличнинг тиғидан ўтказар эдим», деди. Бу (гап) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етганда: **«Саъднинг рашкидан ажабланияпсизларми? Мен ундан кўра рашкчироқман, Аллоҳ мендан кўра рашкчироқ. Аллоҳ рашки учун ошкор ва махфий фаҳш ишларни ҳаром қилган. Аллоҳдан кўра узрни яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам У зот башорат берувчи ва огоҳлантирувчиларни юборган. Аллоҳдан кўра ўзининг мадҳ қилинишини яхши кўрадиган бирор зот йўқ. Шунинг учун ҳам у зот жаннатни ваъда қилган», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

761. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси унинг ҳузуридан чиқдилар. Шунда рашким келди. Сўнгра у зот келдилар ва қилаётганимни кўриб: **«Сенга нима бўлди, Оиша, рашк қилдингми?»** дедилар. «Менга ўхшаган сизга ўхшагандан рашк қилмай ҳам бўлармиди?» дедим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шайтонинг келдими?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, мен билан шайтон борми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Ҳар бир инсонда ҳамми?» дедим. **«Ҳа»**, дедилар. «Сиз билан ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. **«Лекин Роббим менга ёрдам берди ва у мусулмон бўлди», дедилар».**

Муслим ривоят қилган.

762. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Паҳлавон курашда йиқитган (киши) эмас, ҳақиқий паҳлавон ғазаб пайтида ўзини ўнглаб олгандир», дедилар».**

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.